

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ**  
**JOURNAL OF SOCIAL STUDIES**

---

**Кадирова Халима Бувабаевна,**  
Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчи  
e-mail: xqodirova@bk.ru

**МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАР ИДЕНТИКЛИКНИ АНГЛАШ**  
**ОМИЛИ СИФАТИДА**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-5-10>

---

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада миллий гурур миллий, миллий ўзлигини англаш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ижтимоийлашув, маънавий мерос, миллий урф-одат ва анъаналар миллий онгининг идентикликни англаш омили сифатида ижтимоий-тарихий аҳамияти асосланган. "Ижтимоий фикр" Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан ўтказилган маълумотларга таъниб фуқароларнинг ўз Ватанига нисбатан ҳис-туйғуларининг эмоционал даражасик ўрсатилган.

**Калит сўзлар:** Идентиклик, миллий ўзликни англаш, миллатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ижтимоийлашув, миллий урф-одат

---

**Кадирова Халима Бувабаевна,**  
Старший преподаватель, ТГПУ им. Низоми  
e-mail: xqodirova@bk.ru

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ТРАДИЦИИ КАК ФАКТОР САМОСОЗНАНИЯ**  
**ИДЕНТИЧНОСТИ**

**АННОТАЦИЯ**

В статье обосновано социально историческое значение национальной гордости, национального самосознания, патриотизма, гуманности, социализации духовного наследия и национальных традиций как фактор понимания идентичности общественного сознания. Показан уровень эмоциональных чувств граждан по отношению к Родине, опирающийся на социологический опрос, проведенный Республиканским центром изучения общественного мнения "Ижтимоий фикр".

**Ключевые слова:** Идентичность, национальное самосознание, национализм, патриотизм, гуманность, социализация, национальные традиции.

---

Kadirova Xalima Buvabaevna

Senior teacher of TSPU named after Nizami

e-mail: xqodirova@bk.ru

**NATIONAL TRADITIONS AS A DRIVING FORCE IN REALIZING IDENTITY AND CUSTOMS****ANNOTATION**

The article is based on the social historical significance of national pride, national self-consciousness, patriotism, humanism, socialization, spiritual, heritage, national traditions and customs as a factor in understanding the national consciousness. According to the statistical information which is conducted by the Opinion Society Learning Center called "Ijtimoiyik" it is presented the level of citizens' emotional feelings to their motherland.

**Keywords:** Identity, national self-consciousness, nationalism, patriotism, humanity, socialization, national traditions

**Forcition:** Kadirova Xalima. National Traditions as a driving force in realizing identity and customs. International Journal of Social Studies. 2019, vol. 1, issue 5, pp. 69-77

**Б**угун дунёнинг миллий қиёфаси хар-хил бўлиб, у инсонларнинг миллий ўзлигини идентиклигини англаш жараёнининг ривожланиши билан уйғун ҳолатда такомиллашиб ривожланиб бормоқда. Ўзлигини, миллий қадриятларини улуглаган миллат юксак ҳурмат-эҳтиромга муносибдир. Гарчи, Марказий Осиё халқлари турли макон ва замонда яшаб ижод қилсалар-да, уларни муштарак тарихи, ўхшаш қадриятлари бир-бирига боғлаб туради. Дунёда халқлар, элатлар, миллатлар жуда кўп ҳар бирининг ўзига хос турмиш тарзи ва тарихий келиб чиқиш илдиэлари мавжуд бўлиб, улар ўз ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда, урф-одат ва қадриятларга амал қилишади.

Зеро, ўтмишию маданиятига содиқ қолган, ўз халқимиллий идентиклигини миллий анъаналарини асраб, келгуси авлодга беэиён етказишга интилаётган халққина Ер қуррасида ўз номини, тилини ва эътиқодини сақлаб қолишга қодирдир. Шуни ҳам айтиш керакки, келажакка интилиш учун киши, аввало, миллати тарихини яхши англаши, ўз халқининг тарихий меросларини қадрлаши жуда муҳим. Зеро, миллат умуминсоний қадриятлардан бири бўлиб, инсоннинг маънавий-руҳий камоли ва ўзининг "мен"лигини англаши билан боғлиқдир. Шу ўринда идентиклик масаласига тўхталадиган бўлсак инсон ўз-ўзини англаш жараёнидаги мураккаб йўлни босиб ўтишидаги социал жараёнидир.

Идентиклик - бу лотинча (identus - айнанлик, мансублик, ўхшашлик) - шахс томонидан ўзининг қайси социал гуруҳга мансублиги ҳамда шу социал гуруҳ доирасида ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маиший, ахлоқий стереотипларга амал қилиниши, инсонда "мен кимман", "менинг бошқалардан фарқим нима" деган саволлар асосида вужудга келади ва бунда инсон ўз-ўзини англаш жараёнидаги мураккаб йўлни босиб ўтишидир[1, -Б.78]. Миллий идентиклик вужудга келиши унда халқ тарихи ва дини эмас, унинг халқ ҳаётидаги синовлар йўлидаги бирлаштирувчи кучи катта роль ўйнаши билан ҳам боғлиқ.

Идентиклик шахс ижтимоийлашувининг энг олий нуқтасидир. Маълумки ижтимоийлашув - инсон томонидан жамиятда ҳаёт кечириш имконини берувчи билимлар, нормалар ва қадриятлар тизимининг ўзлаштирилиши жараёнидир. Адабиётларда ижтимоийлашувнинг икки жиҳати ажратиб кўрсатилади. Булар: ижтимоий мослашув ва интериоризация. Биринчи жиҳатга кўра индивиднинг

мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шароитларга, турли даражадаги тартиб-қоидаларга, социал структура ва институтларга, қолаверса ўзининг жамиятдаги маъқега мослашуви назарда тутилса, иккинчи жиҳат, яъни интериоризацияда, ижтимоий қадрият ва тартиб-қоидаларнинг инсон ички дунёсига сингиб бориши, ташқи муҳитнинг ижтимоий тартибларига қадриятлари ва бошқа компонентларнинг инсон "мен"ига сингиб бориши, ҳар бир конкрет шахснинг аввалги ижтимоий тажрибани ўзлаштириши ифодаланади[2, - Б.46].

Дарҳақиқат маънавияти юксак бўлмаган ва "мен"лигини ҳис қилган ҳар бир инсон авлод-аждодларининг ҳақли равишдаги давомчиси сифатида маълум бир миллатга дахлдор эканлигини ҳис этиб яшайди, ундан гурурланади ва миллати тараққиёти учун маъсуллигини англаб етади. Бу эса, юртимизда ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ўз халқи тарихи билан гурурланиш, миллий идентиклигини ўзлигини англаш, бой меросни асраб-авайлашга масъуллиқ ҳиссини янада оширади.

Ижтимоийлашув масаласини тадқиқ этиш натижасида бугунги кунда янгидан-янги хулосаларга келинмоқда. Рус олимаси А.Ковалеванинг ёзишича, ижтимоийлашув ўз ичига барча ижтимоий жараёнларни қамраб олган бўлиб, яъни индивиднинг белгиланган нормалар ва қадриятларни ўзлаштириши ва жамият аъзоси сифатида улардан кенг қамровда фойдаланишида намоён бўлади. Н.Помуранинг эътирофича эса, ижтимоийлашув - бу индивид томонидан бутун умр давомида ўз жамиятига тааллуқли бўлган ижтимоий роллар, одоб-ахлоқ нормалари, миллий ва маънавий қадриятларнинг ўзлаштирилиши жараёнидир[3, - Б.351].

В.Каримованинг таъкидлашича, ижтимоийлашув тушунчаси соф ижтимоий-психологик ва социологик категория бўлиб, бу шахснинг уни ўраб турган ташқи ижтимоий муҳит таъсирларига берилиши, ташкилотда қабул қилинган норма ва қоидаларни ўзлаштиришга мойиллиги ҳамда уларни ўзлаштирганлик даражасини ифодаловчи жараёндир. Энг асосийси, бу тушунчанинг туб замирида инсоннинг туғилиб, ўзини бевосита ўраб турган ташқи муҳит таъсирида улғайиши, шу жамият, шу атроф-муҳит қуршовида тарбияланиши ётади[4, - Б.52-56].

Э.Юсупов таъкидлашича, "Маълум миллатнинг ўз-ўзини англаши-миллий ўз-ўзини англаш дейилади. Бунда миллий манфаатлар миллий ўз-ўзини англашнинг асосий манбаини ташкил қилади. Миллий маданият қадриятларни ўзлаштириш ва эгаллаш, уларни қайта идрок қилиш ва яратиш миллий ўз-ўзини англаш ривожланишининг асосий шарт-шароитларидир. Шу билан бирга, миллий ўз-ўзини англаш ўз ўрнида миллий маданият, маънавият ва манфаатлар янада ривожланишини таъминловчи асосий омилдир" деб баҳолайди[5, - Б.376].

Шу нуқтаи назардан, миллий гурурнинг мазмун-моҳиятини белгилловчи қуйидаги асосий таркибий қисмларга ажратиш мумкин.

Булар: 1. Миллий идентиклик ва миллий онг. 2. Миллий маданият ва миллий характер-менталитет. 3. Ваганпарварлик ва миллатпарварлик. Миллий гурур миллат ҳаётидаги объектив ва субъектив омиллар таъсири асосида шаклланиб, ривожланади. Идентиклик замонавий ҳаётнинг миллат, миллий ўзликини англаш масалари билан боғлиқ муҳим жиҳатларини ўрганиш, кўриб чиқиш ва баҳолаши бўлса, миллий онг миллий гурурнинг руҳий-маънавий асосларини ташкил қилади. Миллий маданият эса, ижтимоий ҳодиса сифатидаги ўзига хос хусусиятларни белгилайди. Менталитет- (лот. "mens" ақл, идрок) жамият, миллат, жамоа ёки

алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, қобилиятидир. Миллий менталитет деганда миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг фикрлаш, ишлаш ва турмуш тарзи (масалан ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларидан бири ўртоқлик, бирон шаҳарда ёки қишлоқда муқим ҳолда яшаши билан боғлиқ) нинг услублари, усуллари, миллатнинг жаҳон ивилизациясига, умуминсоний маданиятлар, умуминсоний кадриятлар хазинасига қўшган ҳиссаси тушунилади[6, - Б.139]. Миллий гурур-миллий характер-менталитетда ифодаланadi. Ватанпарварлик ва миллатпарварликни миллий гурурнинг энг муҳим ўлчови дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ватанпарварликни қуйида фикрлари билан изоҳлайди:"Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустақкам иммунитетни шакиллантириш ва Ватанимиз тақдири учун маъсулият туйғусини мустақкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўришимиз шарт.Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир" [7, -Б.229-230].

Шунингдек миллий гурур миллий ўзлигини англашда, ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий фахр ва миллий ифтихор туйғуларида намоён бўлади. "Ҳар бир шахснинг миллий ўзлигини англашга интилиши табиий жараёндир. Ўзи мансуб бўлган миллат, элатга хос миллий хусусиятлар, белгиларни сақлаб қолиш, уни янада ривожлантириш ёки қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг ифодасидир"[6, - Б.16].

Чунки инсонларнинг ички дунёси, тафаккур қилиш салоҳияти, миллий қадриятлар таъсири остида мусткам шакилланган бўлса, миллат вакиллари миллатпарварлик, миллий маъсулият туйғулари ҳам кучли бўлади. Олис ва яқин тарихимиз шуни кўрсатадики, "халқимиз доимо маъавий жасорат ҳисси билан яшаган ва улуг туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтган сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади"[8, - Б.170]. Агар унинг акси бўлса миллатпарварлик туйғулари ҳам заифлашиб боради.

Миллатпарварлик миллатчилик эмас, балки ўз миллатини улуғлаш, унинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилиш орқали ўзга миллатларни ҳурмат қилиш,уларнинг ҳам ўзига ҳос тарихи, маданияти, урф-одатлари борлигини тушуниб этишидир. Ўз миллий идентиклиги ўзлигини англаган, ўз манфаатлари борлигини тушуниб етган миллатгина ўзга миллатлар борлигини уларнинг ҳам ўз манфаатлари мавжудлигини тушуниб етадилар ва ҳурмат қиладилар.Миллий ўзликни англаш ҳар доим ҳам мураккаб жараён ҳисобланган. У миллат мустақил "мен"лигининг асосий омилларидан бири ҳисобланганлиги учун уни ўраниш, такомиллашув жараёнларини таҳлил қилиб боришга эҳтиёж ҳам ўсиб бораверади.

"Ўзбекистон - умумий уйимиз"мавзусида "Ижтимоий фикр"Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказитомонидан социологик сўров 2018 йил 11- 20 август кунлари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўтказилган Ўтказилган социологик

тадқиқотнинг "Фуқаровий ўзликни англашнинг ҳиссий қисми" сўрови натижаларига кўра қуйидаги ҳолатлар аниқланган.

"Ижтимоий фикр" Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида" ва 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонларида белгиланган вазифаларга мувофиқ мамлакатдаги миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини, уларнинг мустақиллик йилларидаги ўзгариши динамикасини аниқлашдан иборат бўлиб, социологик сўров 2018 йил 11- 20 август кунлари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўтказилган.

Сўралганларнинг умумий сони. Жами 1099 нафар киши сўралди, жумладан, уларнинг 557 нафари (50,7%) шаҳарликлар ва 542 нафари (49,3%) қишлоқларда яшовчилар.

Сўралганларнинг миллий таркиби: ўзбеклар - 88,4%; бошқалар - 3,1%; қорақалпоқлар - 2,7%; тожиклар - 2,6%; славянлар - 1,2%; қozoқлар - 0,8%; қирғизлар - 0,6%; туркманлар - 0,5%.

Жинс-ёш тузилмаси: эркаклар - 40,9%, хотин-қизлар - 59,1%; респондентларнинг ёши: 16-20 ёш - 4,2%, 21-24 ёш - 8,8%, 25-29 ёш - 12,6%, 30-39 ёш - 19,3%, 40-49 ёш - 20,4%, 50-59 ёш - 17,6%, 60 ёш ва ундан катталар - 17,1%.

Маълумот даражаси: тулиқсиз ўрта - 2,6%, ўрта - 30,6%, ўрта махсус - 47,5%, тулиқсиз олий - 3,2%, олий - 16,1%.

Респондентларнинг бандлиги: ишловчилар - 40,7%, ўқувчилар ва талабалар - 2,6%, уй бекалари ва бола парвариши билан банд бўлганлар - 19,7%, ишсизлар - 14,6%, пенсионерлар - 1,7%, ногиронлиги бўлган шахслар - 20,7%.

Респондентларнинг оилавий ҳолати: уйланганлар (турмушга чиққанлар) - 73,3%, бўйдоқлар (турмушга чиқмаганлар) - 13,4%, ажрашганлар - 13,3%.

Тадқиқотнинг репрезентативлиги (ишончилиги) барча респондентларни илмий асосда танлаш орқали таъминланган, у мамлакатдаги ва сўровга қамраб олинган минтақалардаги аҳолининг ижтимоий-демографик тузилмасини акс эттиради.

Фуқароларнинг ўз Ватанига нисбатан ҳис-туйғуларининг эмоционал даражаси жамиятда фуқаролар тотувлигининг ёрқин кўрсаткичи ҳисобланади. Респондентларнинг асосий кўпчилиги Ўзбекистон фуқаролари сифатида гуруҳ туйғусини ҳис қиладилар - 90,7% (2017 йилда 89,4%, 2016 йилда 92,2%). Бу туйғу кўпчилик ўзбекистонликлар учун ўзгармасдан қолмоқда.

## 1-жадвал

### "Сиз Ўзбекистон фуқароси ҳисобланишингиздан, қандай туйғуларни ҳис қиласиз?" деган саволга респондентлар жавобларининг тақсимланиши, %

Жавоб вариантлари	Йиллар							
	2007	2008	2010	2013	2015	2016	2017	2018
Гуруҳ	68,4	62,1	76,8	84,1	89,5	92,2	89,4	90,7
Кониқиш	25,3	31,3	17,7	13,9	9,4	5,4	9,5	8,0
Бефарқлик	4,3	3,0	3,2	1,2	0,6	1,6	0,4	0,3
Жавоб беришга кийнамаман	3	3,6	2,3	0,8	0,5	0,8	0,7	1,0

Минтақавий кесимда, айниқса, сирдарёликлар (100%), қашқадарёликлар (99,0%), сурхондарёликлар (98,8%), бухороликлар (96,8%) гурур туйғусини кўпроқ ҳис қиладилар(2-жадвал).

## 2-жадвал

### "Сиз Ўзбекистон фуқароси ҳисобланишингиздан, қандай туйғуларни ҳис қиласиз?" деган саволга респондентлар жавобларининг минтақавий кесимда тақсимланиши, %

Минтақалар	Жавоб вариантлари							
	Ғурур		Қониқиш		Бефарқлик		Жавоб беришга қийналамаган	
	2017	2018	2017	2018	2017	0,3	2017	2018
Жами	89,4	90,7	9,5	8,0	0,4	2,3	0,7	1,0
Тошкент шаҳри	74,3	87,2	23,3	10,5	1,2	-	1,2	-
Қорақалпоғистон Республикаси	90,5	85,5	9,5	14,5	-	-	-	-
Андижон	83,0	90,1	15,0	9,9	1,0	-	1,0	-
Бухоро	96,8	96,8	1,6	3,2	1,6	-	-	-
Жиззах	84,1	77,2	15,9	20,5	-	-	-	2,3
Қашқадарё	84,8	99,0	15,2	1,0	-	-	-	-
Навоий	93,9	84,8	6,1	15,2	-	-	-	-
Наманган	87,8	80,0	12,2	14,4	-	--	-	5,6
Самарқанд	100	92,7	-	6,5	-	-	-	0,8
Сурхондарё	90,4	98,8	7,2	-	-	-	2,4	1,2
Сирдарё	89,3	100,0	10,7	-	-	-	-	-
Тошкент	90,8	90,8	8,2	8,2	1,0	-	-	1,0
Фарғона	92,6	95,1	4,9	3,3	-	0,8	2,5	0,8
Хоразм	93,5	82,1	4,9	16,4	-	-	1,6	1,6

Славян миллатлари вакиллариининг фуқароликка муносабати аввалгидек барқарор қолмоқда. Сўров натижаларининг кўрсатишича, славянлар ўртасида ўз фуқаролигига бефарқлар йўқ. Уларнинг 61,5%и ўзини Ўзбекистоннинг фуқароси деб англашдан гурурланиш, 30,8%и қониқиш туйғусини ҳис қилишларини айтишди.

Барча ёш тоифаларининг вакиллари ёшидан қатъи назар, ўзини Ўзбекистон фуқароси сифатида англашдан гурур ва қониқиш туйғусини ҳис қиладилар. Бир неча йиллик сўровлар мобайнида 18-20 ёшлиларда (97,6% 2010 йилда, 100% 2013 йилда, 92,8% 2015 йилда, 93% 2016 йилда, 91,2% 2017 йилда, 89,1% 2018 йилда), 21-24 ёшлиларда (91,0% ва тегишлича 92,3%, 98,2%, 90,2%, 92,9%, 94,1%, 90,8%), 40-49 ёшлиларда (тегишлича 92,1%, 97,3%, 92%, 90,7%, 91,5%, 92,5%) ва 50-59 ёшлиларда (тегишлича 99,4%, 98,1%, 89,3%, 90,6%, 89,2%, 87,0%) бу туйғулар барқарор қолмоқда. Ушбу маълумотларнинг муҳимлиги ва аҳамияти, энг аввало, шундан иборатки, барча авлодлар муҳим фуқаровийлик ва ватанпарварлик туйғусига эгадилар.

Шундай қилиб, олинган маълумотлар ўзбекистонликларда фуқаровийлик ва ватанпарварлик туйғуси юқори даражада ифодаланганлиги ҳақида сўз юритишга имкон беради[9, 2018]


Шунингдек "Ижтимоий фикр" Республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш Маркази томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар маълумотлари ва таҳлилларидан фойдаланган ҳолда. Миллат, фуқаролик тушунчаларига нисбатан халқнинг муносабатини доимий ўрганишдир. Мазкур марказ томонидан ўтказилган

социологик сўровномада яна :“Сиз учун нима муҳим - миллатингизми ёки фуқаролигингиз?” (1-расм). Миллий ва фуқаролик мансублигининг ифодаланганлигини баҳолашга қаратилган бу саволдажамоатчилик фикри мониторинги ўзбекистонликлар ўртасида улар учун миллат ҳам, фуқаролик ҳам бирдек муҳимлиги ҳақидаги қарашлар устувор эканлиги ни кўрсатади - 57,5% (2017 йилда 59,4%).

“Миллат” ёки “фуқаролик” тушунчаларининг нисбати ҳақидаги ижтимоий қарашларнинг таҳлили жавобнинг охириги бир томонлама вариантларини танлашга тегишли қатор муҳим тенденцияларни кузатиб боришга имкон беради (фақат миллат ёки фақат фуқаролик).

Фуқаролик миллатга нисбатан муҳимроқ ҳисобланади (2003 йилдан), деб ҳисобловчи респондентлар сонининг барқарор ўсиши 2018 йилда ўзгарди. Яъни 2018 йилда респондентлар ўзлари учун миллатнинг муҳимроқ эканлигини қайд этишди (25,0%).

**1-расм. “Сиз учун нима муҳим - миллатингизми ёки фуқаролигингиз?” деган саволга респондентлар жавобларининг тақсимланиши, %**



Тожик (82,8%), туркман (80,0%), ўзбек (57,9%) миллатлари вакиллари учун фуқаролик ва миллат бирдек муҳимдир. Славянлар учун ҳам миллат, ҳам фуқаролик (46,2%) бирдек муҳимдир.

Умуман олганда, тадқиқот натижалари ўзбекистонликларда турли ижтимоий омиллардан қатъи назар, ҳам миллий, ҳам фуқаровий айнанлиқнинг тенглигида ёрқин ифодаланган йўналишдаги барқарор фуқаролик жамиятининг шаклланаётганлигини аниқлади. Айни вақтда 2018 йилдаги тадқиқотда ушбу тенденциядаги ўзлари учун миллий айнанликни муҳим деб ҳисобловчи респондентлар сонининг ўсишида ифодаланувчи ўзгаришни кузатиш мумкин. Бинобарин барча ижтимоий-миллий хусусиятларни юзага келтирувчи моддий ва маънавий асослар, объектив ва субъектив омиллар миллат шаклланиши билан бевосита боғлиқдир. Миллийликнинг ижтимоий макони миллатдир [10, - Б.5].

Шундай қилиб, инсон ўзининг кимлигини белгилаши учун ҳам миллий, ҳам фуқаролик айнанлигининг бирдай муҳимлиги ҳақидаги яққол ифодаланган ишонч ўзбекистонликлар учун хосдир.

Миллий ўзлик миллийликка мансуб барча хусусиятлар ва белгиларни ўзида мужассамлаштиради. Ҳар бир шахснинг миллий ўзлигини англашга интилиши табиий жараёндир. Ўзи мансуб бўлган миллат, элатга хос миллий хусусиятлар, белгиларни сақлаб қолиш, уни янада ривожлантириш ёки қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг ифодасидир [6, - Б.32].

Шунингдек, Қорақалпоқ халқининг маданий илдиэлари ҳам жуда теран ва бой тарихга ээалиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу диёр турли халқларнинг маданий анъаналарининг қоришмаларини ҳам ўз ичига олган. Қорақалпоқ халқининг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари асрлар давомида ривожланиб, сайқалланиб келдики, бошқа халқлар маданиятларидан ўзининг ноёб хусусиятлари билан то ҳозирги кунгача ажралиб туради. Албатта, ҳар бир миллатнинг маънавияти унинг тарихи, ўзига хос идентиклигидаги урф-одатлари ва анъаналари, ҳаётгий қадриятларидан айри ҳолда тассавур эибиб бўлмайдй. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Нима учун мадания тушунчаси бугунги кунда маданий идентиклик ибораси орқали ифода этилапти, деган саволга чуқурлашадиган бўлсак, унинг замирида маънавий руҳий асос етакчилигини, у жамиятлар ва давлатлар маданий тараққиёти шаклини белгилаганда, унинг миллий императивлари, яъни миллий руҳи нимадан иборатлигини тушуниб етамиз[1, - Б.154].

Шу маънода миллий онгни миллатнинг ўзига хос ривожланишининг омилй деб қаралар экан, миллий ўзликни англаш эса миллий манфаатларни ҳимоя қиладиган, ривожлантирадиган маънавий-ғоявий куч сифатида шаклланиши керак. Миллий ўзликни англаш замирида миллий гурур вужудга келади. Ўзлигини англаган халқдагина миллий гурур тўла шаклланади.

Миллий онгнинг шаклланиши муайян халқнинг тили, қадриятлари, урф-одат ва анъаналарининг оддийдан мураккаблик томон ривожланишида кўринади. Миллий онгнинг шаклланиши жараёни ҳар бир халқнинг миллий ўзликни англаш даражасининг ўсишига олиб келади. Миллий ўзликни англаш реал куч сифатида бирлаштириб турадиган омил ҳамдир. Миллатнинг ўзликни англаши эса миллий гурурни вужудга келтиради. Ўз навбатида миллий гурур миллий ўзликни англашни маънавий-руҳий жиҳатдан таъминлайди. Миллий гурур энг аввало, миллий ўзликни англаш жараёнининг миллий гурур туйғуларига айланишини ифодалайди. Миллий ўзликни англаш ҳар бир инсоннинг қандай миллатга мансублигида, Дунё халқлари ичида жаҳон тараққиётида тутган ўрнини англаб етишида намоён бўлади.

Зеро инсоният тарихи гувоҳлик беришича, халқлар тарихидаги идентиклик ҳодисалар ҳамйиша фуқораларнинг ҳамма қатламлари томонидан бирдай тўлалигича хис этилмайди. Дастлаб жамиятнинг илгор гуруҳ ва тоифалари томонидан бу воқийликнинг қанчалйк муҳимлиги англаб етилади. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждоқларимиз томонидан кўп асрлар мабойнида яратилиб келинган бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий идентиклик, миллий ўзликни англаш маънавийтимиз-аждоқларимизнинг азалий ҳатти-ҳаракатлари, фикр-ўйлари, орзу ва ниятлари, интилишлари, она замин эъзози ва Ватан гурури, ифтихори, руҳиёти, урф-одат, анъаналари ва ҳаётнинг барча соҳалари билан боғлиқ бўлиб, бугунги кунимиз учун ҳам амалий аҳамиятга эга. Миллий идентиклик, миллий ўзликни англаш шундай омилки, уни юксак тараққиёт даражасига кўтариш йўли билангина миллатни ҳар қандай зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш мумкин. Чунки у миллатдаги манфаат, ифтихор, гурур, шайн, орномус, эътиқод ва масъулияти каби қадриятларни абадийлаштирувчи юксак даражадаги маънавий қадрият ҳисобланиб миллий урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос идентикликни англаш омилй сифатида намоён бўлади. Бинобарин,



халқларнинг ҳамisha ва ҳамма вақт фаровон турмуш кечиришлари учун минг йиллар давомида яратилган моддий ва маънавий маданиятини, тарих, тил, миллий қадриятурф-одагларини кенг ўрганиб, ўзлаштириш, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, янада ривожлантириш тақоза қилинади. "Маданий меросга ҳурмат бу, биринчи навбатда унинг яратувчиси, авайлаб-асровчиси, ривожлантирувчиси бўлган халқ оmmasига, миллатига, унинг ўтмишига чексиз ҳурмат, меҳр-оқибатидир. Ўзбекистоннинг ўтмиш маданий меросини чуқур билмаган ва эъозламаган одам ўзининг иллизини, авлод-аждодлари босиб ўтган йўлни билмайди ва билолмайди. Ундай одамнинг, ўшандай миллатнинг келажаги бўлмайди". [11, - Б.61]

#### Адабиётлар рўйхати:

---

1. Мадаева Ш. Идентиклик антропологияси. - Тошкент: Noshir, 2015. - Б.78., - Б.154
2. Алиев М.Г. Социализация согласия. - М.: ИФРАН, 1998. - С.46
3. Ковалева А.И. Социология молодежи: Теоритические вопросы / А.И.Ковалева, В.А.Луков. - М.: Социум, 1999. - С.351
4. Каримова В.М. Оила психологияси: педагогика олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. - Т.: Фан ва технология, 2008. - Б.52-55
5. Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Юсупов таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 1999. -Б.376
6. Курбонов Т.Х. Ёшларда миллий гурурнинг шаклланишида маданий мероснинг ўрни. Фалсафа фан. номз. дисс. ЎзМУ. -Тошкент. 2005. -Б.139., -Б. 16., -Б.32.
7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б. 229-230.
8. Каримов.И. Юсак маънавият - енгилмас куч..-Т.: Маънавият, 2010. -Б.170
9. Р.Убайдуллаева "Ўзбекистон - умумий уйимиз" мавзусида жамоатчилик фикри сўрови натижалари бўйича Ахборот-таҳлилий маъруза. 2018 йил
10. Йўлдошев А.Маданиятни бошқаришнинг миллий тамойиллари// Мулоқот. 2000.-№3, -Б.5
11. Туленов Ж.Қадриятлар фалсафаси. -Тошкент:Ўзбекистон, 1998.-Б.61